Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ- СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 125 (21. 224) 1992 йил 26 июнь, жума

БАҲОСИ 2 СЎМ.

Ислом КАРИМОВ:
«ЎЗБЕК ҚОЗОҚ БИЛАН ҚУДРАТЛИ, ҚОЗОҚ ЭСА ЎЗБЕК БИЛАН ИФТИХОРЛИДИР».

ТУРКИСТОН: ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

● «Ириснинг боши дўстликда»
● Яссавий руҳини шод этиб
● Меҳр-оқибат тафти

24 июнь. Чимкент шаҳри аэропорти Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари давлат байроқлари билан безатилган. Кутиш майдончасида қозоқ халқининг миллий анъанасига кўра мўътабар меҳмонлар шарафига иккита оқ ўтов тикилган. Сўл ёқда қозоқ янгалар қимиз-у қимронни шопириб, ўнг ёқда шўх сулувлар анвойи гуллардан дасталар танлаб, ҳаяжон билан қўшни Ўзбекистондан ташриф буюрадиган азиз меҳмонларни кутишмоқда. Қўбизларини созлаб ўланчи қизлар ҳарир либосларда ялял ёниб ўтиришибди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовни кутиб олиш учун бу ерда ҳозир бўлган Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевдан бўлажак учрашув ҳақида сўзлаб беришни илтимос қиламиз. Биз, — дейди Президент, — тарихда биринчи марта Ўзбекистон мамлакати билан Қозоғистон мамлакати ўртасида воситачиларсиз шартнома имзоламоқчимиз. Мен қозоқ билан ўзбек халқи табиатида ҳеч қандай тафовут йўқ, деб ҳисоблайман. Улар тарихан битта халқдир, дастурхонимиз бир, одатларимиз бир, динимиз, дилимиз бир. Ўзбек қозоқни кўрса, «Бовурим» деб қучоқ очади. Қозоқ ўзбекни кўрганида «Ўз оғам»лаб пешвоз чиқади. Бугун мана шу туркий халқларнинг келажагини, меҳр-оқибатини ўйлаб, ўзаро кўмак, ҳурмат-эҳтиром рамзи бўлган ҳужжатни имзоламоқчимиз. Шартнома улуғ аждодимиз, барча мўмин-мусулмонларнинг авлиё отаси Хўжа Аҳмад Яссавий макон топган қадамжо Туркистон шаҳрида имзоланади. Биз Ислом Каримов билан шу ерда учрашишни лозим топдик. Бизни аждодларимизнинг руҳи қўлласин, барча мушкулларимизнинг кушойишини берсин, деган улуғ ният билан ҳозир ўша ёққа йўл оламиз.

Ҳавода оппоқ умид қуши бўлиб тайёра кўринди. Мезбонлар азиз меҳмонларга ўлан айтиб пешвоз чиқишади. Туғишган оға-инилар қучоқ очиб омонлашдилар. «Бовурим Нурсултон Абишевич, омонмисиз» деди Ислом Каримов. «Хуш келибсиз, Ислом оға» деб бағрига босди Назарбоев. Мезбонлар ҳурмат билан меҳмонларни оқ ўтовга бошлашди.

Қандай муқаддас анъаналаримиз бор! Ширинсухан мулозаматларимиз, иззат-ҳурмат, эътибор — ҳаммаҳаммаси самимий, чеҳралар очиқ, икки халқ, умуман, қадим турон фарзандлари ҳамиша бир-бирлари билан ана шундай меҳрли муносабатда бўлишган. Токи ана шундай одамийлик фазилатлари бор экан, тупроғимиздан барака, қалбимиздан имону эътиқод аримаслигига амин бўласан киши.

Халқларимиз оғир иқтисодий синовларни бошдан кечириб турган бугунги кунда ҳам ана шу муқаддас туйғуларимиз дилларимизга ором бағишлаб турибди. Ота-оболаримиз кўп синоатларни кўрган, сабр-тоқатли бўлишга, имонли-эътиқодли бўлишга ўргатиб келган ҳикматларнинг шарофати шу бўлса керак, эҳтимол.

Биз, қозоқ билан ўзбек бир-биримизни шундай қўллаб-қувватлайликки, — деди Ислом КАРИМОВ истиқболига пешвоз чиққан Туркистон аҳлига мурожаат қилар экан, — халқларимизнинг иноқ-иттифоқлиги барчага намуна бўлсин. Ўзбек қозоқ билан қудратли, қозоқ эса ўзбек билан ифтихорлидир. Қозоқ дўстларимизда «Ириснинг боши дўстликда», деган ибратли мақол бор. Бу бараканинг боши дўстликда деган гап.

Туркистон. Бу масканнинг номи қалбларга таскин, руҳимизга енгиллик бағишлайди. Кўчалар, майдонлар икки улкан халқнинг фидойи фарзандларини олқишлаш учун чиққан қон-қардошларимиз билан тўлган. «Хуш келибсизлар», «Яссавий руҳи қўлласин» деган олқишлар янграйди. Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев Яссавий мақбарасига қадам қўйишади. Улуғ аждодларимиз руҳига қуръон тиловат қилинади. Ўзбекистондан келган олий мартабали меҳмон туркистонлик дин арбобларига Тошкентда кўп минг нусхада чоп этилган Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги жилдларини туҳфа этиб, тўн қийдиради. Яссавий қабри зиёрат этилади. Шундан сўнг аҳли фуқоро кўз ўнгида мақбара пойида Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида ўзаро ёрдам, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Шу муносабат билан икки республика Президентлари йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзладилар. Жумладан, Нурсултон НАЗАРБОЕВ шундай деди: Ҳозиргина биз қадимда бир ота-онадан дунёга келган икки оға-ини халқ бундан кейин ўзаро ҳамкорликда, бири иккинчисига мадад бўлиб, зиммамиздаги барча масалаларни ечадиган ўта муҳим тарихий ҳужжатни сиз гувоҳ бўлиб турган авлиё отамиз мақбараси пойида имзоладик. Ушбу шартномани Тошкентда ҳам, Олмаотада ҳам расмийлаштиришимиз мумкин эди. Аммо биз ҳар икки томон учун ҳам маъқул бўлган, халқларимизнинг азиз қадамжоси Яссавий тупроғида шу ишни амалга оширяпмиз. Бунинг рамзий томонлари бор. Аждодларимиз бунёд этган қадим Турон тупроғида бундан буён ҳам бирга бўламиз. Ушбу ҳужжатнинг тарихийлиги шундаки, жумҳуриятимизда мустақил давлат сиёсатига амал қилинар экан, халқларимиз бир-бирига дўст ва ҳамкор бўлиши керак.

Бозор муносабатларини қарор топтиришимизда, ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришимизда, елкама-елка туриб, барча қийинчиликларни бартараф этишимизда фаол ҳамкорлик жуда ҳам зарурдир. Ўзбек халқининг фидойи фарзанди, қозоқ халқининг жонкуяр дўсти Ислом Каримов билан ана шу жиҳатларни келишиб олдик, деб таъкидлади Қозоғистон Президенти. Ҳақиқий дўстлик, деди у, бовурдошлигимиз янада мустаҳкамланиб, ривож олган сари ишларимиз самарали ва баракали бўлаверади. Чунки ҳамкорлик анъаналари халқларимиз ўртасида ўтмишда синалган. Фаробий, Навоий, Мўхтор Авезов, Ойбек, барча улуғларимиз бир дарёдан сув ичиб, бир дастурхондан туз тотганлигининг ўзи ҳам бизга ўрнак бўлиши керак. Мен Ўзбекистонда барча қозоқ йўлдошларимизга шарт-шароитлар яратилганидан хабардорман. Бунинг учун қардошларимизга катта миннатдорчилик билдираман. Халқимизнинг «Бирлик бўлмаса, тириклик бўлмайди» деган доно гапи бор. Биз шунинг учун ҳам бўболаримиздан мадад олиб, ўгитларига қулоқ тутишимиз керак. Хўжа Аҳмад Яссавий руҳи қўлласин деб келганимизнинг ҳам боиси шу.

Шундан сўнг Ислом Каримов сўзга чиқиб, мазкур шартноманинг аҳамияти ҳақида гапирди. Биз сиз билан тарихий ҳодисаларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз, бизгача ҳам аждодларимиз бир тан, бир жон бўлиб, ғиғирларини енгил қилишган. Барча мусулмонлар учун улуғ қадамжо Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси остонасида учрашаётганимиз ҳам бежиз эмас. Сизларга ўзбек жигарларингиз номидан самимий саломлар билан келдик.

Ислом дунёсининг тенгсиз ва беназир соҳибқирони Амир Темур бунёд эттирган хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси ўтмишимиздан гувоҳлик бериб, виқор билан қад ростлаб турган бу замин бизга куч-қувват бағишлаб меҳр билан кутиб олганидан миннатдормиз. Қалбимиздан қалбларимизга биродарлик, меҳр-оқибат тафти югургандек бўлди, деб сўзини давом эттирди Ўзбекистон Президенти. Мана шу улуғ қадамжода яратган эгамнинг ўзидан сўраб турибманки, шундай меҳр ҳар икки жумҳурият халқлари қалбига ҳам нурдай сингиб кетсин.

Бугун Қозоғистон билан Ўзбекистон осмонида мустақиллик офтоби порламоқда. Бу мустақиллик бошимизга абадий келгани рост бўлсин. Биз бугун мустақил давлат номидан, шу давлатнинг умумхалқ ишончини қозонган Президентлари сифатида ушбу ҳужжатга имзо чекдик. Биз орзу-умидлари муштарак халқмиз. Буюк ипак йўли бир бўлган. Қўшиққа чанқоқ дилимиз бир бўлган. Қоронғу ва ёруғ кунимиз бир бўлган. Қозоқ ўлкасида ўзбек оҳанги, ўзбек ёр-ёрида қозоқ оҳанглари садоланиб туради. Бундан буён ҳам ўз тақдиримизни, бахтимизни биргаликда яратамиз.

Бозор муносабатларига ўтишимизда ҳам муштарак ташвишларимиз оз эмас. Бир-биримизга керак эдик, ҳозир ҳам керакмиз ва керак бўламиз.

Турон заминидаги беш республика бир-биримизга ниҳоятда зарурмиз, ҳатто муҳтожмиз. Бизнинг келажагимиз, бахтимиз, толеимиз бундан буён қай даражада аҳил, иноқ, иттифоқ бўлиб яшашимизга боғлиқ.

Бизнинг бугунги учрашувимиз ва имзолаган шартномамиз шу аҳилликка қўйилган мустаҳкам пойдевор бўлади, деб умид қилишга асосимиз бор, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Ўзбекистонда салкам бир миллион қозоқ биродарларимиз, Қозоғистонда ҳам юз минглаб ўзбеклар яшайди. Ҳар икки жумҳуриятда қўшни миллат вакилларининг маданият марказлари тузилган. Қозоқ ва ўзбек тилларида газеталар чоп этилмоқда, телевидение кўрсатувлари, радиоэшиттиришлари йўлга қўйилган. Тошкент давлат педагогика институтида қозоқ тили мутахассислари тайёрланади. Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларидаги 500 дан ортиқ мактабда 130 минг қозоқ фарзанди таҳсил олмоқда. Томди районида иш қозоқ тилида юритилмоқда.

Бундан буён иқтисодий соҳада савдо-сотиқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмоли молларини етказиб беришга киришишимиз керак.

Ўзбекистон Президенти ушбу масалалар ҳақида тўхталиб, менинг катта орзуим, шундай ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни амалга оширайликки, ҳавас қилса арзигулик бўлсин, деди. Орол муаммоси бизнинг умумий ишимиз. Транспорт, юк ташиш, мудофаа, яйловлардан фойдаланиш, ғалла, пахта, чорвачиликка оид масалалар ҳам борки, уларни ўзаро ишонч, ҳамкорлик руҳида ҳал этишимиз керак. Мана шу улуғ мақсадларни амалга оширишимизда бизга боболаримиз руҳи мададкор бўлсин.

Шундан сўнг икки давлат раҳбарлари бир-бирларига сарполар кийдиришди. Туркистонлик қариялар халқнинг икки суюкли фарзандига бирлик ва ҳамжиҳатлик тимсоли бўлган оқ тулпорларни тортиқ қилишди.

Суратда: Туркистон шаҳридаги учрашувда.

Ў. МИРЗАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Шартноманн имзолаш маросими самимий, дўстона руҳда ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Ўктам МИРЗАЕВ,
ЎзА мухбири.
Чимкент-Туркистон-Тошкент.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ МУКОФОТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмаси жумҳурият танлови ҳакамларининг таклифини кўриб чиқиб, қарор қилади:

Йилнинг энг яхши журналистика асарлари учун танлов бўйича Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг лауреати нишони билан бирга Дипломи қуйидагиларга берилсин:

Аҳророва Ҳолида — журналистика фахрийси. Шахсга сиғиниш йилларида қатағон қилинган журналистлар фаолиятига бағишланган туркум мақолалари учун.

Раҳмонов Расул — «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири. Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган ижтимоий-иқтисодий ва маданият мавзуидаги мақолалари туркуми учун.

Убайдуллаев Шароф — Президент девонининг масъул ходими. Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган ижтимоий-иқтисодий ва маданият мавзуидаги мақолалари туркуми учун.

Усмонова Маҳфуза — Фарғона вилояти «Олтин водий» газетаси мухбири. Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини теран таҳлил қилиб, матбуотда ёритганлиги учун.

Салимов Шоқаҳҳор — «Овози тожик» газетасининг бўлим мудири. Маънавий қадриятлар тикланаётгани ҳақидаги туркум мақолалари учун.

Арслонова Жамила — Тошкент вилоятидаги Зангиота райони «Истиқбол» газетаси бўлим мудири. Район газетасида эълон қилинган публицистик мақолалари туркуми учун.

Садриддинов Сабриддин — Ўзбекистон радиосининг катта муҳаррири. Ёшлар ҳаётига бағишланган радиоочерклар туркуми учун.

Султонов Самижон, **Саторов** Ҳакимжон — «Ишонч» ва «Халқ сўзи» газеталарининг ўз мухбирлари. Ўзбекистон ишчилари ҳаётига бағишланган туркум мақолалари учун.

Ҳакимов Қўзижон — Ўзбекистон телерадиокомпанияси режиссёри. Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган ижтимоий-иқтисодий ва маданият мавзуидаги кўрсатувлари туркуми учун.

Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг фахрий дипломлари қуйидаги ўртоқларга берилсин:

Музаффаров Воиз — журналистика фахрийси.

Сўфиев Қосимжон — Ўзбекистон телерадиокомпанияси катта муҳаррири.

Жидков Владимир Антонович — «Самаркандский вестник» газетаси муҳаррирининг ўринбосари.

Жўрабоев Холиқназар — Фарғона вилояти Олтиариқ райони «Давр овози» газетаси бўлимининг мудири.

Нодиров Илья Атауллаевич — «Хорезмская правда» газетаси муҳаррирининг ўринбосари.

Худойберганов Комил — Хоразм вилояти Боғот районн «Ҳуррият» газетаси муҳаррирининг ўринбосари.

Исроилов Абдурашид — Ўзбекистон радиосининг катта муҳаррири.

ПОКИСТОН ИСЛОМ ЖУМҲУРИЯТИ БОШ ВАЗИРИ МУҲАММАД НАВОЗ ШАРИФНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти таклифига биноан Покистон Ислом Жумҳурияти Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф бошчилигидаги Покистон расмий делегацияси шу йилнинг 27 июнь куни Тошкентга келади.

Муҳаммад Навоз Шариф 1949 йил 25 декабрда Лаҳор шаҳрида туғилган. У Лаҳордаги нуфузли коллежни тугатганидан сўнг, Панжоб университетида ҳуқуқшунослик бўйича ихтисослашган.

М. Н. Шариф 1981 йилда сиёсий майдонга кириб келиб, аввало, Панжоб музофотида молия вазири, сўнг тўққиз йил давомида шу музофот ҳукуматининг етакчи вазири вазифасида ишлаган.

1990 йил 24 октябрда ўтказилган умумий сайловда Ислом демократик иттифоқи партиясининг номзоди бўлган М. Н. Шариф кўпчилик овоз олиб, ўша йилнинг 6 ноябридан Покистон Бош вазири лавозимида фаолиятини бошлади.

М. Н. Шариф бошчилигидаги Покистон ҳукумати ички ва ташқи сиёсатда муайян ютуқларга эришиб, Покистон халқи эътиборига сазовор бўлиб келмоқда.

М. Н. Шариф оилали, икки қиз ва икки ўғли бор.

Биз Покистон Ислом Жумҳурияти Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф жаноби олийларининг мустақил Ўзбекистон Республикасига биринчи расмий ташрифини муборакбод этиб, сафар чоғида имзоланадиган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Покистон давлатлари ва халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларда туб ўзгаришлар ясайди, деб умид қиламиз.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРИШГА ДОИР

ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ШАФҚАТ АЛИ ШАЙХ

Шафқат Али Шайх 1942 йилда туғилган, иқтисодиёт ва стратегик тадқиқотлар соҳасида бир қанча илмий даражалар эгасидир. Покистон ташқи ишлар тизимига хизматга киргунига қадар 1967 йилдан бошлаб Лохурдаги ҳукумат коллежида иқтисодиётдан дарс берган.

Покистон Ташқи ишлар вазирлигида протокол бўлимида (1972-75), директор (1975 ва 1983-84) ва бош директор (1986-87) бўлиб ишлади. 1984-85 йилларда миллий мудофаа курсларида иштирок этди, 1985-86 йилларда Равалпиндидаги миллий мудофаа коллежида ишлади.

Покистоннинг дипломатия ваколатхоналарида: 1969-71 йилларда Теҳронда, 1975-79 йилларда Киншасада ва 1980-82 йилларда Жазоирда турли лавозимларда ишлади. Гаагадаги (1987-89) ва Аккрадаги (1990-92) элчи этиб тайинланди.

1992 йил июнида Покистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги биринчи элчиси этиб тайинланди.

Элчи Шафқат Али Шайх уйланган, учта фарзанди бор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

25 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисда шу йилнинг январь ойида Талабалар шаҳарчасида рўй берган воқеаларнинг сабаблари ва оқибатларини ўрганиш бўйича тузилган республика депутатлар комиссиясининг ахборотн тингланди. Олий Кенгаш Раёсатининг ушбу масалага доир қарори матбуотда эълон қилинади.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ Н. ХУДОЙБЕРДИЕВ ОҚЛАНДИ

Республика Олий судининг 1992 йил 19 июндаги пленумида республика Олий суди раисининг раддиясига кўра республика Вазирлар Маҳкамасининг собиқ раиси Н. Ж. Худойбердиевга дахлдор жиноят иши кўрилиб, унинг ҳаракатида жиноий воқеа бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон жиноят процессуал кодексининг 5-моддаси 1-бандига асосан Н. Ж. Худойбердиев оқланди.

• СПОРТ •

ОФАРИН, ШАХМАТЧИЛАР!

● ФИЛИППИННИНГ Манила шаҳрида қарийб бир ой давом этган шахматчилар жаҳон олимпиадаси мухлислар эътиборида бўлди. Жаҳоннинг 112 мамлакатидан тўпланган шахматчилар дона суриш баҳсларида муваффақият қозониш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Зеро, бундай йирик халқаро мусобақада биринчи марта қатнашган мустақил Ўзбекистон терма жамоаси мухлислар ишончини оқлаб, совриндорликка мушарраф бўлдилар.

Шахматчиларимизга тошкентлик спорт устаси Сергей Пинчук бошчилик қилди. Халқаро гроссмейстер Валерий Логинов, спорт усталари Александр Ненашов, Григорий Серпер, халқаро мастер Михаил Салтаев билан Сергей Загребельний ҳамда Ўзбекистон чемпиони Сайдали Йўлдошевлардан иборат терма жамоамиз ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланишди.

Улар Олмония, Болгария, Англия, Грузия, Арманистон каби кучли жамоалардан иборат шахматчиларни доғда қолдиришга имкон топишди. Якунловчи учрашувни Исроил шахматчилари билан ўтказган вакилларимиз 3:1 ҳисобида галаба қозондилар. Жами тўпланган очколар 35 тага етди. Бу муваффақият шахматчиларимизни Олимпиадани иккинчи ўрин билан якунлашларига йўл очди. Шундай қилиб, шахматчиларимиз халқаро майдондаги биринчи қадамларини хайрли бошлаб, совринн билан қайтадиган бўлишди. Россия шахматчилари эса 39 очко билан ғолиб бўлдилар. Арманистон жамоаси 34,5 очко тўплаб учинчи ўринни эгаллади.

Шахматчиларимизнинг бу галабасида уларга ҳомийлик қилган «Нур—Анвар—банк»нинг муҳим ҳиссаси бор. Ҳомийлар 300 минг сўм ва 10 минг доллар ҳисобида иқтисодий ёрдам кўрсатишга имкон топишган эди.

• Мустақиллик ишчанликни ёқтиради

ЯШАБ ҚОЛА ОЛАМИЗМИ?

«ҲА!» ДЕЙИШМОҚДА НАВОИЙ «АЗОТ» БИРЛАШМАСИ КЎП МИНГ КИШИЛИК ЖАМОАСИНИНГ КАТТАДАН-КИЧИГИ. ХУШ, БУНГА ҚАНДАЙ ЭРИШИЛМОҚЧИ?

● Чархпалакдан тез айланаётган нарх-наво машинаси
● Қамишдан бел боғлаган мутахассислар
● Кимё корхонасими ё енгил саноат ишлаб чиқаришими?
● «Ол, товоғим—бер, товоғим» деганлар-ку!
● Инқироздан чиқиш чорраҳасида

Бугунги нарх-наво машинаси чархпалакдан ҳам тез айланяпти. Чўл шамоли каби ҳаммани шошириб қўймоқда. Аксарият оилалар топган-тутганларини фақат кундалик еб-ичишга сарф этишяпти. Кўн гилга таскин берадигани шуки, ҳозирча корхона «нафас олиб» ишлаб турибди. Бироқ қийин бўлмоқда.

БАРТАРАФ ЭТИЛАЁТГАН ҲАВОТИРЛИК

— Ҳар ҳолда биз 1992 йилда ишлаб чиқариш ҳажми пасаймаслигига ҳаракат қилдик. Олдимизда турган мураккаб вазифаларни ҳал этиш чораларини кўряпмиз.

(Бирлашма бош директори, Ўзбекистон халқ депутати В. КУПРИН суҳбатидан).

«Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси — Ўзбекистон кимё саноати давлат концерни таркибидаги йирик корхоналардан бири. Бирлашма жами 50 номдаги турли маҳсулотлар тайёрлаш билан ўз иқтисодинигина эмас, республика иқтисодиётини ҳам оғир аҳволдан халос этишга жазм қилган. Бу ерда ишлаб чиқарилган кимёвий маҳсулотларга Ўрта Осиё республикаларидагина эмас, балки деҳқончилик билан шуғулланувчи хорижий мамлакатларда ҳам эҳтиёж ортиб боряпти.

Бироқ Иттифоқнинг тарқаб кетиши республикаларо иқтисодий алоқалар занжирини парчалаб юборди. Натижада бир-биридан хом ашё, ускуна ва материаллар олиб турган корхоналар хўжалик алоқалари издан чиқди. Иқтисодиётни абгор ҳолатга яқинлаштириб қўйди. Бу, Ўзбекистон халқ хўжалиги бошқа тармоқларидаги каби кимё саноатида ҳам аҳволни оғирлаштирди.

Баъзи мутахассислар каловланиб, 10 мингдан зиёд киши ишлаб турган бирлашма хом ашё ва ускуналар етишмаслигидан тўхтаб қолса, кўп йиллар давомида шаклланган, таркиб топган малакали ишчилар, мутахассислар жамоасининг аҳволи нима кечади, деган ҳавотирга тушиб қолишди.

Дарҳақиқат, ҳавотирланиш вазияти пайдо бўла бошлаганди. Ахир ўйлаб кўринг: хом ашё-ю материал, металл ва нодир кимё ускуналари етишмаса нима қилиш мумкин. Мураккаб кимёвий ашёларни фақат ҳаво ёки табиий газдангина олиб бўлмайди-ку! Шунга қарамай корхонанинг асосий ишлаб чиқариш участкалари бир меъёрда фаолият кўрсата бошлади.

Абгор бўлаёзган корхонани қайта оёққа турғазиш учун ялпи сафарбарлик эълон қилинди. Бирлашманинг турли участкаларидаги сергайрат ишчилар, билимдон, ташкилотчи, ишбилармон мутахассислар шахсий ташаббуслар билан чиқдилар. Корхона маъмурияти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти фаоллари, шаҳар, вилоят, республика депутатлари, касаба уюшмаси вакиллари қимматли таклифлар киритдилар. Корхонанинг мутахассислар жамоаси таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириб, дастурий хулосага келинди. Бирлашма иқтисодиётини ўнглаб, ишчи-мутахассисларни ижтимоий ҳимоялаш тизимлари яратилди. Корхонадаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиб иш юритишга келишиб олинди.

Бунда жамоанинг қаторидаги норлари — етакчи мутахассислар намунаси иш бериб қолди. Иқтисодий алоқалар калаваси чувашиб кетган ҳозирги шароитда мутахассиснинг уддабуронлиги, борган еридан бир нимани ундириб келиши зарур бўлиб қолди. Унинг фаолиятига, жумладан, шунга қараб ҳам баҳо берилмоқда.

Бош директорнинг фикрича, хўжалик юритишнинг бугунги мураккаб шароитида мутахассисларнинг жонкуярлари сараланиб қолди. Таъминот масаласини оладиган бўлсак, бу йил етакчи кадрлар фаолиятида туб бурилиш юз берди. Улар корхона иқтисодий мустақиллиги йўлида фидойилик кўрсатмоқдалар. Таъминот участкаларида ишни аниқ ташкил этишда И. Синяк, Р. Омонов, А. Воронцов ва Ҳ. Ширинов намунаси катта манфаат келтирмоқда. Технология талабларига амал қилинишини таъминлашда Н. Ҳамдамов, бирлашма «Нитрон» заводи бош муҳандиси У. Жўраев олиб бораётган ишлар иқтисодий-техника кўрсаткичларини яхшилашга ёрдам беряпти. Улар бир нимага қўл уришса фойда чиқмоқда, тежамкорликка эришилмоқда. Маҳсулот айирбошлашдан бирлашма жамоаси турмуш шароитлари яхшиланяпти. Улар фаолияти корхона истиқболини белгилашда етакчи роль ўйнамоқда.

Иқтисодий эркинлик сари умумкорхона юришида қамишдан бел боғлаб хизмат қилаётган бош мутахассислар, етакчи муҳандислар ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Бу эса ўз навбатида корхона бундан буён фаолият кўрсатадими-йўқми, деган ҳавотирликни қадамба-қадам бартараф этмоқда.

— Халқ хўжалигидаги молиявий паст-баландликлар, хўжаликлараро алоқалардаги тартибсизликлар бизни ниҳоятда оғир аҳволга солиб қўйди, — дейди Василий Сергеевич фиғони ошиб. Сал ўзини босиб олгач, фикрини очиқроқ баён қилишга киришди. — Аммо жамоамизнинг астойдил қилган ҳаракати туфайли қадамларни дадил босиш сари юз бурилди. Йил бошидан буён маҳсулотларнинг кўпгина турлари бўйича режалар орттириб бажарила бошлади. Иқтисодий жабҳада рақамсиз талқин тан олинмайди. Шунга кўра, айрим рақамларни келтириш орқали бирлашмасининг кейинги беш ойдаги «нафас олиши» ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ниятимиз бор.

Масалан, минерал ўғитдан беш ойда 204 минг тонна ишлаб чиқарилди. Режа ортиғи билан адо этилди. Май ойида бундай маҳсулот ишлаб чиқариш 107 фоиз қилиб бажарилди. Азот кислотаси тайёрлашда қарийб 20 минг тонна ўсишга эришилди. 421 минг ўрнига 445 минг тонна аммиак селитраси тайёрлаб чиқарилди.

Ошкора манзара шундайки, селитра ва сунъий тола ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан камайган бўлса-да, аммиак кислотаси, нитрил-аккрил кислотаси, циан тузлари, ацетилен ва энг муҳими— халқ истеъмол моллари тайёрлаш суръати жадаллашди, ҳажми ортди.

Яна бир янгилик. Корхонанинг мўътадил ишлашида зарур ҳисобланган ноёб металлар масаласи ҳал қилинди. Беш ойлик саъй-ҳаракатлар натижасида нодир сим тўрлар Екатерингбург корхонасидан олина бошланди. Бу билан «Азот» бирлашмаси доимий фаолият кўрсатишига имконият яратилди.

«ЧЕКИНИШ»

— Навоий «Азот» бирлашмаси кимё корхонаси бўла туриб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ҳам ихтисослаштирилмоқда.

(Бирлашма бош муҳандиси муовини — ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Р. ОМОНОВнинг айтгани).

«Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» деганлар. Иқтисодий жабҳада шундай аломат воқеалар содир бўляптики, буни «этик билан сув кечиш»га қиёслаш мумкин. Зўр келганда вазиятга қараб иш тутиш йўриғи кимёгарларни халқ истеъмоли моллари тайёрлаб чиқариш технологиясини ўзлаштиришга ҳам мажбур этяпти.

Тўғри, халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш — кимёгарлар учун асосий касб эмас. Лекин бу ҳаёт зарурати эканлигини унутиб бўлмайди. «Така бўлсин — сути бўлсин!» деганлари шу бўлса не ажаб!

— Мутахассисларнинг иқрорича, — деб таъкидлайди Раҳмат Ҳамроевич. — Бирлашмамизнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи участкалари малакали фаолият кўрсатмоқда. Гапнинг рости, корхонамизнинг бу ишлаб чиқариши истиқболлари ёрқин кўрина бошлади. Асосий касбимиз тақозосига кўра, нитрон толалар ишлаб чиқаришни қанча кўпайтирсак, халқ истеъмоли буюмлари турлари ҳам шунчалик кенгайиб боришига тобора ишонч ортмоқда.

Бошқача айтганда, кимёгарлар тайёр маҳсулот сотишдан ҳам камида уч томонлама ютишлари мумкин. Биринчидан, моддий аҳволимиз яхшиланади, иккинчидан, ҳарбий мақсадларда маҳсулот тайёрлаётган участкалар фаолияти тўхтатилиши натижасида ёпилиб қолган участкаларнинг ишчилари иш билан банд этилади. Ниҳоят, учинчидан, бўшаб қолган ускуналардан фойдаланиб, маблағ ишлаб топилади, ишчиларнинг турмуш шароитини яхшилашнинг янги уфқлари очилади.

Бу йўналиш — корхона жамоаси учун жуда манфаатли.

Бозор деб номланаётган беқарорлик вазиятига тик боқиб айтиш керакки, корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг тақдири ногаҳоний ҳолатлардан ҳоли эмас. Иқтисодий қоқилиш юз бермайди, деб кафолат бериш қийин. Нитрон тола тайёрлашда қимматбаҳо хом ашё олиб, чақиб оладиган нархдаги маҳсулотни сотишга харидор топиладими-йўқми — бу ҳали аниқ эмас. Лекин маҳсулот таннархи корхона айби билан қимматлашиб кетмаганини харидор дарҳол ўйлаб кўра қолмаслиги ҳам бор. Шунисиз аниқки, ўзига иқтисодий зарар келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳеч ким истамайди.

Бирлашмада ўткир масалани ҳал этиш йўли ишлаб чиқилди. Бир йилдан ошдики, катализатор участкалари асосий маҳсулотни тайёрламаяпти. Бироқ бу иш жойлари бошқа хил маҳсулот — халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга айлантирилган.

Холис фикр шуки, катализатор ўрнига халқ истеъмоли моллари тайёрлашни йўлга қўйиш кам фойда келтираётгани йўқ. Хўш, нима ишлаб чиқариляпти? Кимё корхонаси бош директорининг иш хонасида мўъжазгина кўргазмага нигоҳ ташладик. Газлама-атторлик дўконини эслатади. Кўргазмачада кимёвий толалардан тўқилган газлама намуналари, кийим-кечак нусҳалари, жемперлар, пойабзаллар эътиборни тортади. Соч силлиқлашда ишлатиладиган «Лима», хилма-хил смолалар, капралон, газламалар, шампунлар дейсизми... Жами 20 хилдан зиёд халқ истеъмол буюмлари намуналари кўз-кўз қилинган.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш суръатлари жадаллашяпти. Йил бошидан буён 115 миллион ўрнига 140 миллион сўмлик шундай буюмлар тайёрланди. Бирлашмада қисқа фурсат ичида юқори сифатли маҳсулот—эпоксид қатрони (смола) тайёрлаб чиқарадиган қурилма ишга туширилди.

Бошқа хил қатронлар ишлаб чиқарадиган қурилмалар ҳам барпо этиляпти. Қатрон тайёрлаш собиқ Иттифоқ ҳудудининг бирор жойида йўлга қўйилмаганди. Биринчи марта Навоий бирлашмасида қатрон тайёрлаш ўзлаштирилгани ҳам эътиборли. Бундай маҳсулотга радио электрон саноати катта эҳтиёж сезиб турибди. Бу—қатрон маҳсулотининг бозори чаққон эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Эндиликда улар қайта ишланиб хом ашё сифатида қўлланилмоқда. Чиқинди ҳисобланган нитрил-аккрил кислотасидан пармалаш ишларида қўлланиладиган унифилон моддаси тайёрлаш йўлга қўйилди. Эпоксид қатронлардан кенг фойдаланишга киришилди. Улар ёрдамида линолеум сингари бинокорлик материаллари ишлаб чиқарилмоқда.

Шу тариқа бир рақамни қиёслаш мавруди келди. Агар 1990 йилда бирлашмада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш умумий маҳсулот ҳажмида 0,2 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозир бундай моллар тайёрлаш ҳажми ортди — 1 фоизга етди. Шу бир фоизни чекиниш деб нолиш тўғри бўлармикан? Бизнингча, бу оғир саноатда халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш томон бурилишда олға силжиш, лекин туб бурилиш эмас. Шундай бўлгач, бу йўналиш кўламлари тағин ҳам кенгайтирилиши манфаатли бўлур эди.

МАДАДГА АСОСЛАНГАН ШЕРИКЛИК

— Хорижнинг илғор технологияси билан ишланадиган кимё маҳсулотлари сифатини яхшилаб, валюта топишга имкон берадиган палла келди. Шуни назарга олган Навоий кимёгарлари чет элдан харидор, воситачи излашяпти. Бу, бирлашма иқтисоднётини шакллантиришгагина эмас, ишчи-мутахассислари и н г ижтимоий ҳимояланишига ҳам хизмат қилмоқда.

(Ишлаб чиқаришни техникавий жиҳозлаш бўйича бирлашма бош муҳандиси Х. ШИРИНОВ мулоҳазаси).

Иқтисодий тараққиёт тизимида хориж билан яқин алоқа яхши натижалар беришига оид мисоллар кўп. Навоий кимёгарлари ҳам бу соҳада муайян тажриба тўпладилар. Дастлабки тажрибалар изли-қутли.

Чет мамлакатлар билан иқтисодий муносабат юзасидан ўтган йили тузилган шартномалар наф бера бошлади. Корхона ишлаб чиқарган селитранинг бозори чаққон. Аввало, бу кимёвий ўғитнинг сифати билан боғлиқ. Хитой Халқ Республикаси мутахассислари бирлашма селитраси сифат кўрсаткичларига юқори баҳо бермоқдалар. Шунга кўра, Хитой томони ўзаро манфаатли шартномалар тузиш йўлида фаоллик кўрсатмоқда.

Хитойликларга минерал ўғит зарур. Бизга эса хом ашё, кенг истеъмол моллари керак бўлиб турибди. Шу мулоҳаза кейинги ҳужжатлардан бирида ҳисобга олинди. Ўзаро мол айирбошлаш юзасидан аҳднома имзоланди. Навоий кимёгарлари селитра етказиб бериш эвазига каустик сода, зарур кислоталар олиб, ўз корхоналари хом ашё базасини яратмоқдалар. Бугина эмас, мол айирбошлаш йўли билан Хитойдан термос, магнитафон ва кийим-кечаклар туркуми ҳам олиниб, корхона ишчи-мутахассисларига арзон нархларда сотилди.

Иттифоқ тарқаб республикалараро шартномалар барбод бўлгандан кейин Россия нарх-наво жиловини қўйиб юборди. Бу ҳол бир-бирига хом ашё етказиб бериб турган корхоналарни ҳам қийин аҳволга солиб қўйди. Россиядаги шериклар хом ашё ва материалларга афсонавий юқори баҳолар белгилагач, хориж билан тил топиш йўлини тутишга мажбур бўлинди. Монголия, Франция, Япония каби чет мамлакатлар билан алоқа ўрнатилди. Бирлашма хорижий шерикларга азот ва аммиак селитраси етказиб беряпти. Хорижликлар эса келишувга кўра ишқор, турли кимёвий бирикмалар билан таъмин этишмоқда.

Японияда ишлаб чиқарилган ускуналар, халқ истеъмоли буюмлари Навоий шаҳрига бирин-кетин етиб кела бошлади. Мардона меҳнат қилган кимёгарлар ўз пешона терлари эвазига ишлаб чиқарилган минерал ўғитлар туфайли турмуштирикчиликни яхшилаш имкониятларидан фойдаланмоқдалар. Мол айирбошлаш шартномаси асосида олинган Японияниинг замонавий «Като» автомобиль крани бирлашмада юк ортиш-туширишда кенг қўлланилаётган бўлса, «Тойота» мўъжаз автобуси кимёгарларнинг тўй-маъракаларида иш бермоқда. Бугина эмас, Япон магнитафонлари, кассеталари кўпгина ёш кимёгарлар оилалари уйини ҳам безаб турибди. Япон шериклар эса Навоий корхонасидан жўнатилган аммиак селитраси, азот ва аммофосни деҳқончиликда ишлатиб юқори ҳосил ундирганларидан хурсандлар.

Хуллас, калаванинг учи топилди. Бир-бирига ҳар жабҳада мададга асосланган шерикчилик кенг қўллаб-қувватланиши керак. Бу — ҳозирги иқтисодий шароитда синалган, наф келтираётган ойдин йўл. Шу йўл кўпгина иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишда ёрдам бераётганини бирлашма тажрибаси тасдиқлаб турибди. Лекин бу — ҳали ишнинг бошланиши.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ, Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.



Тошкент трактор заводида қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган тракторлар ишлаб чиқариш кўпайиб бормоқда. Тайёр маҳсулот жумҳуриятимиз буюртмачиларидан ташқари қўшни республикалар истеъмолчиларига ҳам жўнатиляпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Корхона йиғув цехи ишчиси Обиджон Минаваров. 2. Тайёр маҳсулотлар майдончаси.

Р. ШАРИПОВ олган суратлар.

ХУШХАБАРЛАР

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАНГА НЕ ЕТСИН

● Қарши районида «Радиатор» корхонаси иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, ҳар ойда барча турдаги тракторлар учун 500 та радиатор чиқарилмоқда.

Бу ерда эски радиаторларни янгисига алмаштириб олиш ҳам мумкин.

Корхона вилоят «Агропромтехника» бирлашмасининг раиси Т. Нуруллаевнинг саъй-ҳаракати билан ташкил этилди. У Оренбург шаҳридаги шундай маҳсулот ишлаб чиқарадиган бирлашма жамоаси билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузди. Район ремонтишлаб чиқариш корхонаси ҳудудида жой ажратилди. Зарур асбоб-ускуна ва бошқа жиҳозлар Оренбургдан келтирилди. Малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам улар бош-қош бўлдилар.

ШЕЪРИЯТ БИЛАН УЧРАШУВ

● Пахтаобод район матлубот жамияти меҳнат жамоасида Нодира туғилган куннинг 200 йиллиги олдидан шеърият байрами ўтказилди.

Кечада шоиранинг шеъриятимиз равнақига қўшган ҳиссаси, авлодлар иши давомийлиги, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ҳақида гапирилди. Райондаги ишлаб чиқариш корхоналарида ва ўқув юртларида ҳам шоира таваллудига бағишланган шеърият кечалари бўлиб ўтди.

БОЛАЛАРГА СОВҒА

● Фарғона темир йўли ишчи ва хизматчиларининг минг нафардан зиёд фарзанди ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқарганидан сўнг, уйларига янги кийимда қайтишади.

Бу хайрли ишни темир йўл бўлими зиммасига олди. Темирйўлчилар тикувчилик фабрикасига мингта кўйлак учун буюртма беришди. Оёқ кийимларини эса Фарғона шаҳар пойабзалчилари тайёрлайди. Шу мақсадга 230 минг сўм маблағ ажратилди.

— Оромгоҳлар учун йўлланма баҳоси барча сарф-ҳаражатлар билан 2 минг сўмга тушса-да, темирйўлчилар бор-йўғи 83 сўм тўлашади, — дейди Фарғона темир йўл бўлимининг бошлиғи, Ўзбекистон халқ депутати М. Мирҳамзаев. — Биз шаҳардаги болалар уйларида тарбияланаётганлар учун 40 та бепул йўлланма ҳам ажратдик. Фарзандларимизнинг ёзги мавсумни кўнгилли ўтказишлари учун жами 1 миллион сўм маблағ сарфланади.

(ЎзА).

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

ДАГОМИСДАГИ УЧРАШУВДА

● Россия ва Украина Президентлари Борис Ельцин билан Леонид Кравчукларнинг учрашуви бошланганлигини илгари хабар берган эдик.

Муҳокама ва мунозаралар натижасида президентлар давлатлараро муносабатларни ривожлантириш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Матбуот конференциясида қўшни мустақил мамлакат раҳбарлари энди биз йирик сиёсий ва иқтисодий шартномани тузиш учун тайёргарликни бошлаб юборамиз дейишди.

Қора денгиз флотининг тақдири ҳақидаги масалада томонлар бир фикрга кела олмадилар. Айни пайтда президентлар ҳамдўстликнинг бир қатор минтақаларидаги воқеалар билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

КОММУНИСТЛАР БИРЛАШМОҚДА

● Бишкекда Қирғизистон Коммунистик партиясининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Коммунистлар уюшмаларидан сайланган қарийб 200 нафар делегат янги партиянинг Низоми ва Дастурини тасдиқлади. Улар рўйхатдан ўтказилиши учун республика Адлия вазирлигига топширалади. Зарур миқдордаги имзолар тўпланган. 1500 киши коммунистлар партияси таъсисчилари бўлди.

ИСТЕЪФО КЕЧИКТИРИЛАДИ

● Афғонистоннинг муваққат Президенти Себғатулло Мужоддидди ўз истеъфосини кечиктиришни билдирди.

Илгари у бутун ҳокимият мужоҳидларнинг турли ташкилот ва гуруҳлардан иборат «Миллий бирлик ваколати ҳукумати»га ўтиши учун, «мужоҳидларнинг барча раҳбарлари Кобулга кела олишлари» учун Муваққат давлат бошлиғи ваколатларини зиммасидан дарҳол соқит қилмоқчи эканини эълон қилган эди.

ЧЕГАРАДАН НАРИГА

● Туркия ўзининг иккита ҳарбий қўшилмасини Болгария билан чегара жойдан ичкарига олиб кетишни режалаштирмоқда.

Гап бу ерда битта пиёда ва битта танк батальони ҳақида кетмоқда. Улар чегарадан 60 километр нарида жойлашган. 1989 йили Болгарияда коммунистик тузум емирилгандан сўнг икки мамлакат ўртасидаги чегарадаги аҳвол анча яхшиланди.

МАЖБУРИЙЛИК

● 1988 йили Американинг «Пан-Ам» самолёти Шотландия устида портлаб кетган эди.

Уни портлатишда қатнашган деб шубҳаланилаётган ливияликлар БМТ ёки араб давлатлари лигаси ҳомийлигида ўтказиладиган «адолатли» суд қаршисида жавоб беришлари мумкин. Ливия Жамғармаси Умумхалқ конгресси қабул қилган баёнотда шундай дейилади.

«Биз барча шаклдаги террорчиликни қоралаймиз ва унга қарши курашишда халқаро миқёсда олиб борилаётган сайъи-ҳаракатларга қўшилишга тайёрмиз» деб таъкидланади ҳужжатда.

Шунингдек, ҳужжатда Ливия билан муносабатларни нормаллаштиришни сўраб Ғарбга мурожаат қилинади ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан бу мамлакатга нисбатан қўлланилаётган иқтисодий тазйиқни бекор қилиш илтимос қилинади.

[Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларнинг материаллари асосида тайёрланди].

• Бугун—Гиёҳвандликка ва наркобизнесга қарши кураш куни

СОҒЛОМ ТУРМУШ— ИСТИҚБОЛ ТАЯНЧИ

● Маълумки, гиёҳвандлик инсониятнинг фаровон яшаши, бунёдкорлик фаолияти, порлоқ келажагига катта ҳавф солаётган иллат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аср вабоси, деб ном олган бу офатга қарши жаҳондаги барча ривожланган мамлакатларда қаттиқ кураш олиб борилаётир. Ушбу куннинг гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши кураш куни деб эълон қилиниши ҳам масаланинг ғоятда долзарблигини кўрсатиб турибди.

Жумҳуриятимизда ҳам гиёҳвандликка қарши курашга кейинги йилларда эътибор кучайди. Бу борада гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси «Инсон» уюшмаси тузилганлиги фикримизнинг далилидир. Мухбиримиз уюшма президенти М. МАДРАҲИМОВ билан учрашиб, жамоа фаолияти ҳақида сўзлаб беришини сўради.

— Гиёҳвандлик — тез тарқалишига мойил оғир ва ҳавфли касаллик ҳисобланади (айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, кайф берувчи моддаларни истеъмол қилувчи бир киши яна тўрт кишини оғу домига тортиши мумкин. У шахснинг маънавий ва ижтимоий таназзулга юз тутишига олиб келади, ўзлигини йўқотган ва жамиятдан айрилганларни жиноят сари ундайди.

Гиёҳвандлик — тиббий, ижтимоий, ҳуқуқий муаммоларнинг мустаҳкам тугуни бўлиб, уни ечмаслик эл соғлиғига, иқтисодиётга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга ғоятда катта зарар келтириши мумкин. Кўп ҳолларда зарар келтиряпти ҳам.

Кейинги пайтда наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар сони бир неча баробар ошиб кетди. Уларнинг қарийб учтадан биттаси гиёҳвандлик қасалига мубтало бўлгандир.

Маълумотлар ҳаммамизни ҳушёрликка чорлаши керак. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ҳудуди таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликларни ўстириш учун қулай. Бу ўсимликлар ва улардан олинадиган моддалар республика ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам сотилмоқда. Аммо гиёҳвандликка қарши кураш даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда.

Бундай вазият юзага келишининг асосий сабабларидан бири гиёҳвандликнинг ижтимоий ҳавфининг етарли баҳоланмаслигидир. Муаммони айрим йўллар билан, оммани кенг жалб қилмасдан, асосан ҳуқуқий усуллар билан ҳал этишга уриниш етарли натижа бермаяпти. Гиёҳвандлик асосан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида тарқалганлиги билан ҳам жуда хавфлидир. Шунга эришмоқ лозимки, наркотик моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ бирорта воқеа-ҳодиса маъмурият, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва тиббиёт органлари томонидан эътиборсиз қолмасин. Ана шундай вазиятда ҳукумат тасарруфида бўлмаган жамоатчи уюшманинг гиёҳвандликка қарши курашда иштироки ғоят муҳим ва зарурдир.

Маълумки, ҳар қанча таъқиқлашларга қарамай, таркибида наркотик моддалар бўлган экинларни экиш жойларда ҳамон давом этмоқда. Бу ҳолга бутунлай барҳам бермасдан туриб мақсадга эришиш қийин. Лекин бу ишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қўли калталик қиляпти. Биз ички ишлар ходимлари билан ҳамкорлик қилиш, муҳим ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш орқали самарадорликка эришишни кўзлаяпмиз.

Гиёҳвандликка муккасидан кетган айрим шахслар даволанишни исташмайди. Истовчилар эса эл-юрт, қариндош-уруғлари олдида шарманда бўлишдан қўрқиб, тиббиёт масканларига учрамайдилар.

Биз даволанишни истамовчиларни мажбурий равишда, дарддан форғ бўлишини хоҳловчиларни бекитиқча даволашга ёрдам берамиз. Шу мақсадда қўшимча наркология бўлимлари очиш учун ҳаракат қиламиз.

Ҳаво, темир йўл, сув йўли орқали ҳозир жумҳуриятимиз ҳудудидан наркотик моддалар олиб ўтилаётгани сир эмас. Унинг бир қисми Ўзбекистонда қоляпти ҳам. Бу борада ҳам биз кучларни бирлаштириш ниятидамиз.

Наркотик моддаларни қонунга ҳилоф равишда сақлаш, тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланадиган шахслар учун қаттиқ тўсиқ қўйишда фақат милиция ходимлари самарага эриша олишмаяпти. Биз наркобизнес билан шуғулланувчиларни, айниқса, балоғат ёшига етмаганларни гиёҳвандликка тортадиганларни аниқлашга бутун чоралар билан кўмаклашамиз. Кўриниб турибдики, уюшмамиз муҳим, хайрли ишга бел боғлаган. Лекин ҳар бир эзгу ишнинг бошланиши қийин бўлганидек, фаолиятимизга сунъий тўсиқ солувчилар ҳам бор. Улар гиёҳвандликка қарши кураш уюшмаси аср офатини таг-томири билан тугатишда фақат фойда келтиришини ўйламаяптилар. Улар тўрачилик ўрнига бизга кўмак беришса, деймиз. Чунки соғлом турмуш тарзи-истиқбол таянчидир.

Суҳбатдош: К. РИҲСИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИГА ИШОНАМИЗ

Табани: Ҳамма қўйнинг, Ўзбекистон келажаги равшан!

● Ўзбекистонда ҳар бир тижоратчи учун сув билан ҳаводек зарур харидоргир барча маҳсулотлар мавжуд.

● Ўзбекистон пахтаси — энг юқори сифатли ҳисобланади.

● Пахта толаси Ўзбекистоннинг ўзида тайёр маҳсулотга айлантирилади.

● «Ўзбекистон овози» саҳифаси орқали унинг ўқувчилари билан учрашувдан беҳад миннатдорман.

МАЪЛУМКИ, азалдан халқларни бир-бирига боғлаб, уларни донм яқинлаштириб келган асосий омил тижорат ҳисобланган. Айниқса, Шарқда бирон мамлакат ўз фаровонлигини савдо карвонларисиз тасаввур қилолмаган.

Ота-боболаримиз қадимдан тижорат илмининг пухта билимдонлари бўлиб, оламга довруғ солганлар. Машҳур «Ипак йўли» карвонлари бизнинг кўплаб шаҳар ва кентларимиздан ўтганлиги бунинг яққол далилидир.

Мана, ниҳоят мустақиллик туфайли ўша қадимий анъаналар қайта тикланмоқда. Озод Ўзбекистон бировларнинг «доно» кўрсатмалари»сиз жаҳон мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилик асосида мулоқотлар олиб бормоқда. ўзаро фойдали савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўймоқда. Тўғри, бу борада маълум қийинчиликлар йўқ эмас: қарийб етмиш йилдан зиёдга чўзилган истибдод ўз ғоявий ишлари билан тушунчаларимизни карахт қилиб қўйган. Ялпи тус олган бу «карахтлик»дан қутулиб олиш ҳийла қийин кечаётир.

Шунга қарамай биз билан тижорат бобида самарали ҳамкорлик қилиб келаётган чет эл кампаниялари орасида Покистоннинг «Табани» фирмаси алоҳида ўринни эгаллайди.

Ўзбек — Пок халқлари орасидаги дўстлик алоқалари кундан-кун ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда, Бош вазир Навоз Шариф жанобларининг юртимизга қиладиган дўстлик сафари арафасида «Табани» тижорат фирмасининг Бош директори муҳтарам Ёқуб ТАБАНИ билан ёзувчи-публицист Дадахон НУРИЙ учрашиб, ҳозир кўпчиликни қизиқтириб турган мавзуда мулоқот қилди. Шу мулоқотни диққатингизга ҳавола этамиз.

Дадахон НУРИЙ: — Бундан тўрт йилча муқаддам Покистоннинг Москвадаги янги элчиси этиб Абдул Саттор жанублари тайинланган эдилар. У киши масъул вазифани ўташга киришишдан аввал буюк боболар юрти — Ўзбекистонни зиёрат қилиб, он фотиҳа олиш ниятлари борлигини маълум этгандилар. Биз у зотни таклиф этдик, бир неча кун меҳмонимиз бўлдилар. Ушанда Ёзувчилар уюшмасидаги учрашувда «Халқларимиз азалдан савдо-тижорат орқали борди-келди қилиб келган. Бу одамлар бир-бирини яхши тушунишининг энг қулай воситасидир. Шунинг учун менинг биринчи вазифам ўзбек ва Покистон халқлари орасидаги азалий тижорат алоқаларини йўлга қўйишдан иборат бўлади» дегандилар. Ана шундан кейин кўп вақт ўтмай «Табани» деган сўз бизнинг ҳудудимизда тез-тез эшитиладиган бўлиб қолди.

Ёқуб ТАБАНИ: — Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм. Аввало, Покистон сиёсий арбоблари ўртасида катта нуфузга эга бўлган муҳтарам Абдул Саттор жанублари биринчи навбатда Ўзбекистонга қадам ранжида қилганликларининг боиси бор: бу тупроққа ҳар бир покистонлик учун мўътабар ҳисобланувчи азизу авлиёлар, буюк зотларнинг киндик қони тўкилган, кўпларининг ҳоки пойи шу ерда. Ал Беруний, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Имом Термизий, Имом Бухорий, Баҳовиддин Нақшбандий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Бобур каби буюк зотларнинг номлари бизда ғоят ҳурмат билан тилга олинишини айтсам, ҳаммамиз улкан азим бир дарахтнинг мустаҳкам илдиз отиб кетган томирларимиз. Худога минг қатла шукурки, бу илдизни ҳеч қандай ёвуз куч қўпориб ташлай олмайди. Яна у кундан кун барқ уриб, яшнаб бормоқда. Бунда, қарийб уч йил Масковда сафир бўлиб ишлаган (ҳозир у киши Деҳлида Покистоннинг фавқулодда мухтор элчиси), қардошлик ришталаримизнинг қайта боғланишига катта ҳисса қўшган Абдул Саттор жанобларининг хизматлари каттадир.

Фирмамизнинг Ўзбекистондаги фаолиятига келсак, аввал фақат собиқ Иттифоқ пойтахти «доираси»да фаолият кўрсатардик. Совет тузумининг қулаши, қатор жумҳуриятларнинг озодликка чиқиши, бизлар учун ҳам катта имконият яратди, сиз риштадорлар ҳузурига ошиқдик.

Д. НУРИЙ: — Бу интилишлар силсиласида тижоратнинг машаққатли йўллари осонлик билан очилмагандир!

Ё. ТАБАНИ: — Азалдан авлод-аждодларимиз карвонбошилик қилиб келган «Ипак йўли» сўқмоқлари ҳам осонликча пайдо бўлмаган.

Д. НУРИЙ: — Дарвоқе, «Ипак йўли» ҳақида. Таниқли Покистон адиби ва журналисти, ҳозир Тошкентдаги ваколатхонангизнинг бошлиғи Муҳаммад Аббос Хон ҳам Покистон, Ҳиндистон ва Ўзбекистон матбуоти саҳифаларида кўплаб мақолалар ёзганидан хабаримиз бор. Адашмасам, унга биринчилардан бўлиб лаббай деб жавоб берган, машаққатли бу йўлдан тоқат ва чидам билан кетаётган сизлар бўлсангиз керак.

Ё. ТАБАНИ: — Ташбеҳингиз тўғри. Тижорат иши баъзан одамдан ўта совуқконликни, бардошни талаб қилади.

Д. НУРИЙ: — Бардош дедингиз-у, шунга дош беролмай этагини қоқиб кетворган кўпгина йирик тижорат намоёндалари билан шахсан мулоқотда бўлганман. Улар очиқдан-очиқ «Сизларда сансоларлик, бевосита зарур муаммоларни ҳал қилолмаслик иллати кучли. Масъулиятни ҳеч ким ўз зиммасига олгиси келмайди. Бундан ёмони йўқ. Бекор вақтимиз кетди» деганлари эсимда.

Ё. ТАБАНИ: — Бир томондан уларни ҳам тушуниш мумкин, вақтнинг қадрига етадиган одамларнинг садақаси кетсанг арзийди.

Д. НУРИЙ: — Нима, Сизнинг вақтингиз кўпми!

Ё. ТАБАНИ: — Йўқе, кўриб турибсиз-ку, ҳар Тошкентга келганимда ўн тўқ-қиз-йигирма соатлаб ишлашимга тўғри келади. Кўп вақтим бу ердаги маҳкама ва ташкилотлар раҳбарлари ҳузурига қайта-қайта қатнайвериш билан ўтади... Барибир, Ўзбекистон доим мени ўзига чорлаб туради.

Д. НУРИЙ: — Ҳозир халқ дипломатияси деган гап кўп қайтариладиган бўлиб қолди. Шахсан Сиз бу борада қилаётган қатор хайрли ишлар ҳақида газеталар тез-тез хабар бериб турибди.

Ё. ТАБАНИ: — Аввало, бундай ишлар овоза қилиш учун эмас, кўнгилдан чиқариб қилинади.

Д. НУРИЙ: — Кампаниянгиз томонидан Исломободда «Ўзбек-ҳауз» «Ўзбек уйи» ҳамда Карочида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиабирлашмаси учун бино қуриб фойдаланишга топширилди. Тошкентнинг учта йирик маҳалласи марказида эса катта Ғолиб масжид-мадрасасини қуриш ташаббуси билан чиқдингиз. Болалар уйида тарбияланаётган сағирлар учун бир неча юз минг ҳайрия пули топширдингиз. Яна катта ниятларингиз бор, албатта. Мени кечиринг-у, сизнинг бу ишларингиз кўпчиликдан тушадиган хайрия жамғармаси вакилининг ишини эслатади.

Ё. ТАБАНИ: — Бойликдан ҳам муқаддасроқ нарсалар бор дунёда. Бу имон, инсоф деган тушунчалардир. Назаримда ҳамма жойда мана шу тушунчалар устивор бўлмоғи керак. Юқорида эслатиб ўтганимдек, бизлар ҳам тарихий, ҳам маънавий жиҳатдан бир-биримизга яқин, қонқардош халқлармиз. Мана, Мирзо Бобурни олинг. У зотни биз Покистоннинг асосчиларидан деб биламиз. Давлат тилимиз ҳиндустани —урду (ўрда) тилига шу киши томонидан асос солинганини ҳамма билавермайди. Урфу одатларимиз, тўй-маъракаларимизда ҳам муштараклик кўп. Мана шулар ҳақида, ўзбек халқининг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи бир кошона бунёд этиш зарурати туғилганди, шуни қилдик... Исломободдан Тошкентгача салкам бир ярим соатли йўл. Биз мана шу масофани Масков орқали айланиб, минглаб километр ортиқча йўл босиб келардик. Ҳар қандай алоқаларни яхши йўлга қўйишнинг биринчи воситаси борди-келди учун қулай шароит яратишдир. Тошкент билан тўғридан-тўғри ҳаво йўли очилишига маълум даражада ўз ҳиссамизни қўшганимиздан мамнунман.

Д. НУРИЙ: — Сиз мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз.

Ё. ТАБАНИ: — Ҳозир Ўзбекистонда биз ҳақимизда, Покистонда сиз ҳақингизда жуда кам маълумот билишади. Баъзан бу ерда Покистон Ислом республикаси, шундай бўлгач исломий муташассиблик кучли, ҳар қандай тараққиётдан орқада қолган мамлакат деган тушунча устинроққа ўхшайди. Худди шунга қарама-қарши тушунча эса покистонликлар орасида ҳам мавжуд: «Ҳамма диндан қайтган, жоҳил, фақат рус удумига риоя қилади». Бу албатта қарийб етмиш йилдан зиёд муддатга чўзилган сунъий айрилиқнинг асоратидир. Энди халқларимизни ўзаро бир-бирини тушуниб етишишида матбуотнинг хизмати катта бўлмоғи керак. Бунинг учун ҳар икки мамлакат журналист ва ёзувчиларининг ижодий ҳамкорлигини йўлга қўйиш лозим. Икки мамлакат ҳаётига оид матбуот хабарларини тўғридан-тўғри юбориб туриш учун имкониятлар мавжуд. Айниқса, ҳозир Покистон матбуотида Ўзбекистон ҳаётига қизиқиш жуда катта. Яқин келажакда Тошкентдаги ваколатхонамизнинг маданий маркази қошида «Ўз-Табани-пресс» кичик агентлиги очиш ниятимиз ҳам йўқ эмас...

Ўзаро маданий алоқаларни йўлга қўйиш соҳасида ҳам режаларимиз талайгина. Ўзбекистон театр жамияти билан Покистон санъаткорлари орасида ижодий ҳамкорлик қилиш йўриқлари ишлаб чиқилмоқда. Яна йилнинг энг истеъдодли артисти учун «Табани» мукофотини таъсис этдик. Илк маротаба Ўзбекистон—Покистон киносанъаткорлари ҳамкорликда бадиий фильм яратмоқчилар. Бу хайрли ишга ҳам фирмамиз ўз ҳиссасини қўшмоқда. Яна хабарингиз бор, Ўзбекистонлик қирқ нафар талаба Карочига билим олиш учун юборилди. Бир гуруҳ ўзбек шифокорлари Покистонда бўлиб, у ердаги ҳамкасбларидан лазер нуридан муолажа йўлида фойдаланиш сирларини ўрганиб қайтдилар. Албатта, бу ишларнинг амалга ошишида ҳам биз ўз ҳимматимизни аямадик.

Д. НУРИЙ: — Бу хайрли ишларнинг самараси, кўлами ҳам яққол кўзга ташланиб турибди. Асосий масала — тижоратнинг аҳволи қалай!

Ё. ТАБАНИ: — Ишлар аста-секинлик билан бўлсада силжиб турибди...

Д. НУРИЙ: — Ўзбекистон сизнингча қандай маҳсулотлари билан жаҳон тижорат майдонига чиқиши мумкин!

Ё. ТАБАНИ: — Бу юртда ҳар бир тижоратчи учун сув билан ҳаводай зарур бўлган барча харидоргир маҳсулотлар мавжуд. Пахта, пилла, жун, кўнчилик маҳсулотлари, турли саноат моллари... Ҳали сизлар унча қадрига етмаётган сархил мева-чеваларингизнинг ўзи битмас-туганмас бойликдир. Мармар, газ каби ерости ҳазиналарингиз кўламини айтмай қўяқолай... Булардан оқилона, дунё бозорининг талаби асосида фойдаланилса, Ўзбекистон яқин йиллар ичида энг бой мамлакатга айланиши муқаррар.

Д. НУРИЙ: — Ўзбек пахтаси Покистонда энг юқори сифатли деб қадрланишини кўриб, ҳайратландик. Собиқ Иттифоқ марказий матбуот органлари эса пахтамизнинг толаси жаҳон стандарти талабига жавоб беролмаслигини доврўг қилиб, қулоғимизга қуйиб келган. Бу хусусда сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим.

YAQUB TABANI

اسلامی جمہوریہ پاکستان کے وزیر اعظم جناب نواز شریف
کی ازبکستان میں آمد دونوں ملکوں کے تعلقات کی تاریخ میں ایک
نئے روشن باب کی نقیب۔ میں ذاتی طور پر نیز تابانی گروپ آف کمپنیز
کے اراکین کی طرف سے اس نئے درخشاں تاریخی موڑ کے موقع پر ازبکستان
اور پاکستان کے راہنماؤں جناب اسلام کریموف اور جناب نواز شریف
و عوام کو مبارک باد دیتا ہوں۔
تابانی گروپ دونوں ممالک کے درمیان کاروباری و ثقافتی
تعلقات بڑھانا اپنا فرض اولین سمجھتا ہے۔
پاک ازبک دوستی۔ زندہ باد۔
محمد یعقوب تابانی
مینجنگ ڈائریکٹر
تابانی گروپ
Tabani
محمد یعقوب تابانی
۲۲ جون ۱۹۹۲ء

Покистон Ислом жумҳурияти Бош вазири Навоз Шариф жанобларининг Ўзбекистонга ташрифи халқларимиз ўртасида қайта тикланиб бораётган азалий дўстлигимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолажак. Кампаниямиз Ўзбекистон — Покистон халқлари орасидаги дўстликни янада ривожланиб боришидан ғоят манфаатдор, бу дўстликни янада барқ уриб яшнаши учун биз доим қўлдан келган ҳаракатни қиламиз.

Яшасин Ўзбек — Пок халқлари ўртасидаги дўстлик.

Ёқуб ТАБАНИ,
«Табани групп» кампаниясининг Бош директори
16 июнь, 1992 йил. Тошкент.

Ё. ТАБАНИ: — Фирмамиз пахта сифатини аниқлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида узоқ йиллик тажрибага эга. Энг замонавий техник воситалар билан жиҳозланган лабораторияларда йирик мутахассислар иш олиб боришаётганига ўзингиз гувоҳ бўлгансиз. Шунинг учун фирмамизнинг ички «сири» бўлса ҳам айтиб қўяй: Ўзбекистон пахтасининг энг охирги нави ҳам биздаги олий нав пахта ўрнини боса олади. У ҳар қандай жаҳон стандартига мос тушади. Унга паст назар билан қараш, оқни қора деб баҳолаш билан тенгдир. Шунинг учун ҳам биз пахтангизнинг доимий харидоримиз. Чегараланмаган миқдорда сотиб олишга тайёрмиз. Бизларни фақат тайёр хом ашё қизиқтирмайди. Пахта толасини шу ернинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулот чиқарадиган қўшма корхоналар қуришда сизларга ёрдам бермоқчимиз. Чунки ўз пахтангиздан тўқиладиган кийим-кечакларнинг тақчиллиги сизларда ҳар қадамда сезилиб турибди.

Д. НУРИЙ: — Бундан ярим йилча аввал таклифингизга биноан биз бир гуруҳ ўзбек адиблари Покистонда бўлганимизда Белужистон даштининг қоқ ўртасида, худди жаннатдай кичик бир афсонавий гўшада ип йигирув корхонаси ишлаб турганини кўрдик. Қизиғи шундаки, ўзимизнинг ўзбек пахтасидан, айтганингиздек энг сифатли ип ишлаб чиқарилаётган экан. Бизларни илиқ кутиб олган корхона мутасаддиси Муҳаммад Юсуф жанублари Ўзбекистонда кўп маротаба бўлган, ўзбекчани ҳам анча-мунча ўзлаштириб олган экан...

Ё. ТАБАНИ: — Бизда ҳозир ундайлар анчагина.

Д. НУРИЙ: — У киши бизларни ўзбекона такаллуф билан кутиб олгач, пахта гулли чойнак-пиёлаларда чой қуйиб узатди. Гап орасида Юсуф соҳиб Тошкент вилоятининг Пскентида ҳам худди шундай қўшма корхона қуриш учун аллақачон лойиҳа ҳужжатлар тайёр бўлганлигини, ҳатто керакли барча дастгоҳлар Ўзбекистонга жўнатилганлигини айтди. Ушанда бизлар бу ёққа қайтибоқ матбуотда шу қўшма корхона қурилиши тезроқ бошлаб юборилиши зарурлигини, «қўлда» бир ғалтак ип ўн сўмга чиқиб кетганлигини бонг уриб ёзгандик.

Ё. ТАБАНИ: — Агар ўша, иморати ҳам тайёр, (биз уни қурилганидан бери фақат зарарга ишлаб ётган каноп фабрикаси биносини қайта жиҳозлаб қурмоқчимиз) қўшма корхона қурилишини ярим йил аввал бошлаганимизда эди, сизлар айтган иплар ҳозирги кунда дўконларга чиққан, арзонроқ баҳоларда сотилаётган бўларди.

Д. НУРИЙ: — Афсус, ҳозир ғалтак иплар баттар камёб бўлиб кетди. Яқинда ўзим Наманган чайқов бозоридан бир донасини эллик сўмдан олиб келдим.

Ё. ТАБАНИ: — Ана кўрдингизми?

Д. НУРИЙ: — Хўш, нега Пскент қурилиши ҳамон бошланиб кетмаяпти!

Ё. ТАБАНИ: — Унинг устида кўз тикиб турганларнинг кўплигидан бўлса керак... Илтимос, бу ҳақда ёзманг! Яна биздан ранжиб қолишмасин. Ҳозир иш сал юришиб турибди...

Д. НУРИЙ: — Тошкентдаги «Саёҳат» меҳмонхонасини қайта таъмирлаш ишлари қай йўсинда кетяпти!

Ё. ТАБАНИ: — Умуман фирмамиз «Саёҳат»ни «Роял ҳотел» номи билан туристларга олий даражада хизмат кўрсатадиган меҳмонхоналар қатори қайта жиҳозлашни ўз зиммасига олган. Ҳозир Покистондан келган бир гуруҳ мутахассислар қизғин иш бошлаб юборишди. Бу ишда Ўзбекистон — Покистон меъморларининг ижодий ҳамкорлиги асосий рол ўйнайди.

Д. НУРИЙ: — Бизда савдо-тижоратни янада ривожлантиришга омил бўладиган қандай имкониятлар мавжуд деб ўйлайсиз!

Ё. ТАБАНИ: — Ҳозирча негадур унча эътибор беримаётган бир омил ҳақида гапириб ўтай: маълумки денгиз-сув йўли тижорат учун энг қулай ва самарали йўл ҳисобланади. Қайсики мамлакат денгизга яқин жойлашган бўлса, ўша ерда савдо гуркираб яшнаб келган. Афсуски, мана шу имконият Ўзбекистонда йўқ. «Чет»га чиқиш учун жуда олисдаги портлардан фойдаланишга мажбурсизлар. Аммо, сизлар учун энг қулай имконият бор. Бу Карочи портидир... Иншооллоҳ, Афғонистондаги вазият ўз изига тушиб кетади. У ерда тинчлик, омонлик бўлиши муқаррар. Ана, ундан кейин Тошкент-Термиз-Пешовор-Карочи катта шоҳ кўчаси бўйлаб савдо карвонлари — замонавий юк машиналари йўлга тушишидан умидимиз катта. Бу йўл бизнингча Ўзбекистонни ташқи олам билан боғлайдиган энг қулай савдо «кўприги» бўлиб қолишига ишончим комил...

Д. НУРИЙ: — Сал ноқулай бўлса ҳам шу ерда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Айрим тижорат соҳасининг «мунажжим»ларидан баъзан «Ўзбекистон билан алоқа боғлашга тайёр турган шундай зўр кампаниялар борки, вақт келиб улар олдида «Табани» ҳеч нарса бўлмай қолади» деган сўзлар эшитилиб турибди.

Ё. ТАБАНИ: — Ана ўша «зўр»ларнинг ҳозир Ўзбекистонда фаоллик кўрсатишларини истардим! Биз хоҳлаймизми, йўқми, энди давр ўзгарди. Дунёга илгаригидай ҳарбий васваса-зўравонлик эмас, ҳалол рақобатга асосланган тижорат ҳукмронлик қилади. Бундай рақобатдан бизнинг ҳеч қандай қўрқадиган жойимиз йўқ. Собиқ Иттифоқ билан қарийб йигирма беш йилдан бери ҳамкорлик қилиб, ўз шаънимизни оқлаб келганмиз. Иншооллоҳ, Ўзбекистонда ҳам шундай бўлиб қолади.

Д. НУРИЙ: — Карочида бўлганимизда «Москва» адресига жўнатилаётган сон-саноқсиз контейнерларга кўзимиз тушганди. Уларнинг бари фирмангизнинг кийим-кечаги билан тўла эди. Ўша маҳсулотларнинг ҳозир Ўзбекистонда жуда бозори чаққон...

Ё. ТАБАНИ: — Шу кеча-кундузда «Ўзбексавдо» уюшмаси билан ҳамкорликда республика шаҳарларида «Табани» маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўконлар очиш хусусида музокара олиб бормоқдамиз. Шулардан дастлабки энг йириги «Табани» савдо маркази деб аталиб, Тошкентдаги «Россия» меҳмонхонаси қаршисида бунёд этилмоқда. Яқин вақт ичида бу дўкон эшиклари харидорлар учун кенг очилади... Карочида эса бир юз йигирматадан зиёд контейнерни бу ёққа жўнатиш учун тайёрлаб қўйганмиз. Улар устига одатдагидек «Москва» эмас, йирик ҳарфлар билан «Тошкент» манзилгоҳи ёзилган.

Д. НУРИЙ: — Ўз кампаниянгиз ҳақида гапириб берсангиз.

Ё. ТАБАНИ: — «Табани групп» деб аталувчи кампаниямизга падари бузурукворимиз Хожи Сиддиқ Табани асос солганлар. У киши ҳозир саксон беш ёшни қоралаётган бўлсаларда, бизнинг асосий маслаҳатчимиз ҳисобланадилар. Беш ўғилмиз: энг катта акам Иброҳим Табани Москвадаги ваколатхонамизда кўпроқ бўлиб, Европа мамлакатлари билан олиб бориладиган савдо-сотиқ ишларини бажаради. Табиатан жиддийроқ — Масковнинг таъсири сезилиб туради. У кишидан кейингиси Исмоил Табани — шарқий Осиё мамлакатлари бўйича иш олиб боради. Кўринишидан у ҳам ўта жиддий одам, аслида ундай эмас, шинаванда! Аъзам Табани — молиявий ишларни бошқаради, энг керакли одам сифатида унга кўп ишимиз тушиб туради. Лекин қўли очиқ! Ўртанчаси ўзим, кампаниянинг Бош директорлиги менинг чекимга тушган. Ўзимга ўзим баҳо берсам, яхши чиқмас. Қўполроқман шекилли.. Ҳаммамизнинг устимиздан назорат қилиб турадиган энг кенжамиз Рауф Табани ҳисобланади. Амали «юқори» бўлса ҳам доим кулиб туради. Ёқимтой. Биз ундан «қўрқамиз» ва жуда ҳурмат қиламиз... Дарвоқе, ларнинг ҳаммасини сиз яхши биласиз-ку!

Д. НУРИЙ: — Отангиз Сиддиқ Табани жанублари Тошкентга ташриф буюриш ниятида эдилар.

Ё. ТАБАНИ: — Ҳа, у киши Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси шаҳарларини, Мирза Ғолиб номи билан аталувчи маҳалла масжид-мадрасасини зиёрат қилмоқчилар. Ҳар бир покистонликнинг орзуси бўлган Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳазрат Баҳовиддин Нақшбандий каби буюк пирлар қабрини тавоб этмоқчилар. Иншооллоҳ, келиб қоладилар.

Д. НУРИЙ: — Сизда Тошкентда Ғолиб масжид-мадрасаси қуриш фикри қачон пайдо бўлган!

Ё. ТАБАНИ: — Ғолибнинг келиб чиқиши ўзбек, шу билан бирга бутун Ҳиндистон яримороли халқларининг буюк шоири ҳисобланади. Мен дастлаб Ўзбекистонга келганимда ўша аллома шоир номидаги маҳаллани бориб зиёрат қилдим ва у ердаги кўпчилик билан учрашувда қелинглар бизларни бир-биримизга руҳан боғлаб турган шу зот ҳурмати бир масжид қурайлик, мен ўз ҳиссамни қўшаман дедим. Бу кўпчиликка маъқул тушди.

Д. НУРИЙ: — Газетхонларга тилагингиз.

Ё. ТАБАНИ: — Аввало, Бош вазиримиз Навоз Шарифнинг Ўзбекистонга дўстлик сафари билан келаётгани, жаноб Ислом Каримовнинг Покистонга қиладиган жавоб сафари арафасида «Ўзбекистон овози» саҳифалари орқали унинг ўқувчилари билан учрашувдан беҳад миннатдорман.

Шубҳасиз, давлатимиз бошлиқларининг бундай ўзаро ташрифлари халқларимиз ўртасидаги қадимий дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамроқ боғланишига хизмат қилажак.

● Беш ака-ука Табанилар оиласи: ўтирганлар чапдан биринчи — Ёқуб Табани, Иброҳим Табани, Рауф Табани, тик турганлар — Аъзам Табани, Исмоил Табани.
Н. Муҳаммаджонов олган суратлар.

Ёз—ўтмоқда соз

БОЛАЛАРГА МУРУВВАТ—ЭНГ ОЛИЙ ҲИСЛАТ

Зарафшон дарёсининг ёйилиб-ёйилиб оқишини томоша қилганмисиз? Агар Самарқандга бориб, Равотхўжани зиёрат айласангиз дарё гўзаллигининг яна бир бор гувоҳи бўласиз. Дарё ёқасида «Зарафшон» деб аталмиш болалар оромгоҳи жойлашган. Бу лагерь соғломлаштириш вазифасини ўтаганлиги боисидан уни санаторий ҳам дейишади. Вилоят сув қурилиши ташкилотига қарашли бу оромгоҳда бўлган киши у ерда дам олувчи болаларга ҳавас билан қарашади.

Тўғри, бу йил болаларни дам олиши ҳам катта муаммога айланди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, битта йўлланманинг нархи минг сўмдан ортгандан кейин қайси ота-она ўз фарзандини дам олишга жўнатади?

Шуларни ҳисобга олиб вилоят сув қурилиши ташкилоти раҳбарлари болалардан меҳр-мурувватларини аямадилар. Ҳозир у ерда 130 нафар, элликдан ортиқ миллат болалари дам олишмоқда. Улардан қирқ нафари вилоятдаги 6-болалар уйининг тарбияланувчиларидир. Оромгоҳ вилоятнинг энг кенжа райони Тойлоқ ҳудудида жойлашган. Район ҳокимияти ҳам ўнлаб болаларга бепул йўлланма олишда ёрдам берди.

Ҳозир у ерда Самарқанд давлат дорулфунунининг талабалари ёзги таътилда ўз тажрибаларини ўтказишмоқда. Тарбиячилик сирларини ўрганишмоқда.

Шу ўринда оромгоҳ бошлиғи Юрий Николаевичдан икки оғиз эшитсак:

— Болаларни жуда севаман. Сабаби, бошдан кечирган афғон урушидаги оғир дамлару, мактабдаги муаллимлик фаолиятимдан бўлса керак. Яқинда республикамиз пойтахтида махсус курсда ўқиб қайтдим. У ерда икки минг хил болалар ўйинларини ўрганиб келдим. Бу ўйинлар ўзига хослиги билан болаларнинг қалбига йўл топишда жуда қўл келмоқда. Оромгоҳ ҳудудида, ўзингиз кўриб турганингиздек мевали дарахтлар жуда кўп. Олма, ёнғоқ, ўрик, шафтолилар, узуму олчалар пишганда болалар дастурхонига тортилади. Ундан ортгани эса сув қурилиши соҳасида ишловчи бечораҳол кишиларга бепул тарқатилмоқда. Ўтган йили уларга ўн тоннага яқин мевачева тортиқ қилинди. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, биз Ўзбекистон ҳудудида яшаганлигимиз учун шу миллатнинг миллий урф-одатию, анъаналарига чуқур ҳурмат билан муносабатда бўляпмиз. Яқинда Ўзбекистон байроғи рангида галстуклар тайёрланади.

Хуллас дарё бўйидаги болалар оромгоҳида ҳаёт қизғин. Эртага биринчи группа болалари сўнгги олов ёқишиб уй-уйларига қайтадилар.

Д. ҚИРГИЗБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Суратда: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар.

О. ТОЙЛОНОВ олган суратлар.

«Ўзбекистон овози» газетаси

ЖАРЧИНОМАСИ

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

1992—1993 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ОЛИЙ ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 103-уй. Телефон: 67-63-05).
даволовчи врачлар, стомотологлар тайёрлайди.

ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Телефон: 46-83-11).
даволовчи ва санитария врачлари.

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

(Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 136-уй. Телефон: 5-26-92).
даволовчи ва педиатр врачлар.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

(Самарқанд шаҳри, Житомир кўчаси, 6-уй. Телефон: 33-07-66)
даволовчи ва педиатр врачлари.

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси 103-уй). Телефон: 62-53-50)
педиатр врачлар.

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 35-уй. Телефон: 56-37-38)
дори тайёрловчи, агроэколог, биотехнологлар.

БУХОРО ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

(Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси 1-уй. Телефон: 3-00-50)
даволовчи ва стомотолог врачлар.

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИНИНГ НУКУС ФИЛИАЛИ

(Нукус шаҳри, Қурбонов микрорайони, 04-24. Телефон: 3-31-61)
педиатр врачлар

БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИНГ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ

(Урганч шаҳри, Коммунистик кўча, 25-уй. ТЕЛЕФОН: 6-14-02)
даволовчи врачлар.

Ўқишга кириш учун ариза- лар 25 июндан 1 августгача қабул қилинади. Ариза ректор номига таниланган факультетни кўрсатган ҳолда ёзиб топширилади. Ўқишга кирувчилар аризага қуйидагиларни илова қиладилар: ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли, 086-У рақамли тиббиёт маълумотномаси, ҳужжатлар учун олинган 3×4 см ўлчовли 6 дона сурат.

Қабул имтиҳонлари 1 августдан бошланади. Ўқишга кирувчилар учта танлов имтиҳони топширадилар: химия, биология, ўзбек ёки рус тилида диктант.

Касбий фан — химия, Андижон Давлат тиббиёт институтида эса — биология.

Кириш имтиҳонлари ўзбек ва рус тилларида ўтказилади. Самарқанд тиббиёт институтида тожик тилида, Тошкент педиатрия институтининг Нукус филиалида — қорақалпоқ тилида ҳам имтиҳон топширилади.

Ўқишга қабул қилиш имтиҳонларида тўпланган жами баҳолар миқдори бўйича умумий танлов асосида ўтказилади.

Тиббиёт ва фармацевтика институтлари Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мустақил давлатлар ўртасида, шунингдек олий ўқув юртлари, корхоналари, ташкилотлар ва муассасалар ўртасида тузилган шартномалар асосида мақсадга йўналтирилган қабулни амалга оширадилар. Шу қабилда ўқишга кирувчиларни қабул қилиш тартиби олий ўқув юртининг қабул комиссияси томонидан белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАХРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМЛИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ 1992—1993 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН КУНДУЗГИ БЎЛИМНИНГ БИРИНЧИ КУРСИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Тестлар ёрдамида синов ўтказиш йўли билан қабул қилинадиган мутахассисликлар:

1. 01.01.00 МАТЕМАТИКА
2. 01.04.00 ФИЗИКА
3. 01.08.00 КИМЁ
4. 01.09.00 БИОЛОГИЯ
5. 02.07.00 ТАРИХ
6. 02.19.00 ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ
7. 03.02.00 УМУМТЕХНИКА ФАНЛАРИ ВА МЕҲНАТ
8. 03.08.00 ПЕДАГОГИКА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ

Мазкур мутахассисликлар бўйича қабул, тажриба тариқасида, талабаликка танлов ва қабул ўтказиш Республика маркази томонидан тестлар (стандартлаштирилган топшириқлар) ёрдамида синов ўтказиш асосида олиб борилади.

Тестлар асосида қабул қилиш муддатлари:

— ўқишга кирувчиларни рўйхатга олиш 25 июндан 31 июлгача:

— тестлар асосида синов ўтказиш 5 августда (фақат бир кун);

— талабаликка қабул қилиш тест синовлари натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади.

Тестлар асосида қабул қилиш қоидалари ва тартиблари тўғрисидаги батафсил ахборотни оммавий ахборот воситаларидан билиб олиш мумкин.

II. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига 1992 йилда қабул қилиш қоидаларига мувофиқ равишда кириш имтиҳонлари ўтказиш йўли билан қабул қилинадиган мутахассисликлар:

1. 02.13.00 ШАРҚШУНОСЛИК (02.13.03 иқтисодиёт ихтисослиги бўйича)
2. 02.14.00 ЖУРНАЛИСТИКА
3. 03.03.00 ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ

Мазкур мутахассисликларга корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг буюртмаси бўйича шартнома асосида қабул қилиш ҳам кўзда тутилган.

Бу мутахассисликлар бўйича қабул қилиш муддатлари:

— аризаларни қабул қилиш 25 июндан 31 июлгача;

— кириш имтиҳонларини ўтказиш 1 августдан 15 августгача;

— талабаликка қабул қилиш 22 августгача.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

Ректор номига ёзилган ариза, ўрта ёки олий маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асли, 086/У шаклидаги тиббиёт маълумотномаси, 3x4 см. ҳажмда 6 дона фотосурат. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик хусусидаги ҳужжатлар шахсан кўрсатилади.

Университетга умумий асосда кирувчилар қуйидаги фанлардан учта кириш имтиҳонларини топширадилар:

1. «ШАРҚШУНОСЛИК» мутахассислиги бўйича — ўзбек тили ва адабиёти (ёзма-иншо), математика (оғзаки), чет тили (оғзаки);

2. «ЖУРНАЛИСТИКА» мутахассислиги бўйича — ўзбек тили ва адабиёти (ёзма-иншо), тарих (оғзаки), чет тили (оғзаки);

3. «ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ» мутахассислиги бўйича — мутахассислик бўйича (спорт турлари), ўзбек тили (ёзма-диктант), биология (оғзаки).

Кириш имтиҳонлари ўрта умумтаълим мактаблари дастурлари асосида ўтказилади. Уларнинг ҳаммаси танловга оид бўлиб, беш балли тартиб бўйича баҳоланади.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан, ўрта махсус ўқув юртини ёки ўрта ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаган абитуриентлар (эгаллаган касбига мос келувчи ихтисос бўйича ўқишга кираётган бўлса) рўйхатда биринчи кўрсатилган имтиҳондан «5» баҳо олган тақдирда кейинги имтиҳонларни топширишдан озод қилинадилар. «4» ёки «3» баҳо олганлар қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар.

Университетга қабул ўқишга кирувчиларнинг танлов кириш имтиҳонларида тўплаган баллларининг миқдори бўйича ўтказиладиган умумий танлов асосида амалга оширилади.

Кириш имтиҳонларида ижобий баҳолар олган қуйидаги шахслар танловдан ташқари ўқишга қабул қилинадилар:

— заҳирага бўшатилган ва ҳукумат томонидан белгиланган имтиёзларга ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган ҳарбий хизматчилар;

— ота-онасиз ва қаровсиз қолган етим болалар;

— тиббиёт-меҳнат эксперт ҳайъатининг хулосаси бўйича университетда ўқиши мумкин бўлган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

Ўқишга кириш бўйича қўшимча ахборотларни бевосита университетнинг қабул ҳайъатида олиш мумкин.

Манзилгоҳимиз: 710020, Андижон шаҳри, Наманган кўчаси, 129-уй.

Телефонлар: 5-18-34, 5-19-56.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

1992—1993 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича кундузги бўлимга

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

01.01. Математика; 01.04 физика; 01.08 Кимё; 01.09 биология; 01.09.16 экология ва. табиатни муҳофаза қилиш; 01.18 география; 01.18.12 Табиат бойликларидан рационал фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш; 02.03. Амалий социология; 02.04 Психология; 02.07 Тарих; 02.11 Ҳуқуқшунослик; 02.13 Шарқшунослик; Африкашунослик; 02.17 Рус тили ва адабиёти; 02.18 Миллий мактабларда рус тили ва адабиёти; 02.19 Ўзбек тили ва адабиёти; 02.19 Ўзбек тили ва, адабиёти (ўқиш ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактаблар учун ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, таржимонлар); 02.21.02 Герман филологияси (инглиз ва немис тиллари ва адабиёти); 02.21.04 Шарқ филологияси (араб, форс тиллари ва адабиёти); 03.03 Жисмоний маданият; 05.25 Маданий маърифий ишлар ва бадиий ҳаваскорлик ижодиёти; 06.02 Иқтисод ва ишлаб чиқаришни бошқариш; 06.03 Иқтисодий ва социал режалаштириш; 06.10 Халқаро муносабатлар; 19.05 Биотехник ва тиббиёт аппаратлари ва тизимлари; 31.01 Агрохимия ва тупроқшунослик; 04.03 Гигиена, санитария ва эпидемиология.

Қундузги бўлимга аризалар 25 июндан 31 июлгача қабул қилинади, имтиҳонлар 1 августдан бошланади. Талабаликка қабул қилиш 22 августда тугалланади.

Университетнинг кундузги бўлимига кирувчилар қабул тўғрисидаги ариза билан бирга ўрта ёки олий маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асли, 086/У нусхадаги тиббий маълумотномасини ва 3X4 см. ўлчамдаги 6 дона фотосуратни топширадилар, паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Қуйидаги гуруҳ мутахассисликларида: математика, физика (01.01.01.04) биология, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, география, табиат бойликларидан рационал фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, агрохимия ва тупроқшунослик, кимё (01.08, 01.09, 01.09.16, 01.18, 01.18.12, 31.01), тарих (02.07), иқтисодиёт (06.02, 06.03, 06.10), ҳуқуқшунослик, амалий социология (02.11, 02.03), психология (02.04), биотехник ва тиббиёт аппаратлари ва тизмалари (19.05) бўйича 5 август куни соат 9.00 да бир вақтнинг ўзида барча мутахассисликлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги талабалар танлаш ва қабул қилиш Республика марказининг вакиллари томонидан тест синовлар ўтказилади. Талабалар сафига қабул қилиш тест синовлари натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади.

Қолган гуруҳ мутахассисликлари бўйича кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар:

Ўзбек тили ва адабиёти — ўзбек тили ва адабиёти (иншо, оғзаки), тарих (оғзаки), чет тили (оғзаки).

Миллий мактабларда рус тили ва адабиёти — рус тили ва адабиёти (диктант, оғзаки, миллий мактаблар программасида), тарих (оғзаки).

Герман филологияси — чет тили (инглиз ёки немис тили оғзаки), ўзбек тили ва адабиёти (иншо), тарих (оғзаки).

Шарқ филологияси (араб, форс) — ўзбек тили ва адабиёти (иншо), чет тили (инглиз, француз, немис тилларининг биридан оғзаки), тарих (оғзаки).

Шарқшунослик, Африкашунослик — тарих (ёзма) чет тили (оғзаки), ўзбек тили ва адабиёти (диктант).

Жисмоний маданият — мутахассисликдан, биология (ёзма), ўзбек тили ва адабиёти (диктант).

Маданий-маърифий ишлар ва бадиий ҳаваскорлик ижодиёти — мутахассисликдан, тарих (оғзаки), ўзбек тили ва адабиёти (диктант).

Санитария, гигиена ва эпидемиология — химия (ёзма), биология (ёзма), ўзбек тили ва адабиёти (диктант).

Университет манзилгоҳи: 712007 Фарғона шаҳри, Б. Усмонхўжаев кўчаси, 19-уй.

Маълумот учун Фарғона шаҳридаги 4-13-35 телефонига мурожаат қилиш мумкин. Қабул комиссияси якшанба кунидан ташқари ҳар куни соат 8.00 дан 16.00 гача ишлайди.

Қабул комиссияси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

1992—1993 ўқув йилида кундузги ва сиртқи бўлимларга қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрланади: иқтисодий ва ижтимоий режалаштириш (халқ хўжалигини режалаштириш, саноат иқтисодиёти ва уни режалаштириш, агросаноат комплекси иқтисодиёти ва уни режалаштириш, атроф-муҳитни ҳимоялаш иқтисодиёти ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш); савдо ва умумий овқатланиш иқтисодиёти ва уни бошқариш (савдони ташкил этиш ва уни бошқариш, савдо иқтисодиёти товаршунослик); халқаро туризм; иқтисодиёти; меҳнат иқтисодиёти ва социологияси иқтисодиётни бошқариш, ҳисоб, назорат ва таҳлил этиш (саноатда, савдода, ички ва ташқи аудит); иқтисодий кибернетика, иқтисодий ахборот ва автоматлаштирилган бошқарув системалари; халқаро иқтисодий муносабатлар (халқаро валюта ва кредит муносабатлари, маркетинг ва ташқи иқтисодий реклама, ташқи иқтисодий фаолият ҳисоби ва уни таҳлил этиш); халқаро сиёсат ва иқтисодиёт; моддий ресурсларни бошқариш, статистика, брокерлик фаолияти.

Университетнинг Урганч филиали кундузги бўлимида қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрланади: савдо ва умумий овқатланиш иқтисодиёти ва уни бошқариш (савдони ташкил этиш ва уни бошқариш, савдо иқтисодиёти); агросаноат комплекси иқтисодиёти ва уни режалаштириш; ҳисоб, назорат ва таҳлил этиш саноатда, савдода, ички ва ташқи аудит).

Ўқишга кирувчилар қуйидаги кириш имтиҳонларини топширадилар:

— **кундузги ўқиш учун барча мутахассисликлар бўйича** математика (ёзма), чет тили (оғзаки), ўзбек (рус) тили — диктант;

— сиртдан ўқиш учун «Халқаро иқтисодий муносабатлар мутахассислигидан ташқари барча мутахассисликлар бўйича математика (ёзма), ўзбек (рус) тили — диктант.

Ўрта мактабни «олтин», «кумуш» медал билан ва ўрта махсус ёки университет йўналишига тўғри келадиган ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатган абитурентлар кириш имтиҳони сифатида қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

— **«Халқаро иқтисодий муносабатлар» ва «Халқаро сиёсат ва иқтисодиёт» мутахассисликлари бўйича** — чет тили (оғзаки);

қолган барча мутахассисликлар бўйича — математика (ёзма).

Улар «беш» баҳо олган тақдирда қолган имтиҳонлардан озод қилинадилар ва университетга қабул қилинадилар, «тўрт» ёки «уч» баҳолар олган тақдирда қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар. Бу тартиб ўрта таълим асосидаги ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тугатган университет йўналишига тўғри келадиган ихтисосликка кирувчиларга ҳам тегишли.

Барча кириш имтиҳонлари ўрта мактаб дастури асосида қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари ва ўқитиш барча мутахассисликлар бўйича ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Университет Ўзбекистон Республикасининг корхоналари ва ташкилотлари талаби асосида мақсадли қабулни ва мустақил давлатлар билан шартнома асосидаги қабулни ташкил этади.

Ўқишга кирувчилар Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидаларига биноан қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: университетга қабул қилиш тўғрисида ректор номига ёзилган ариза, ўрта ва махсус маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси), соғлиғи тўғрисидаги тиббий маълумотнома (086/У шаклида), 3×4 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат, иш жойидан маълумотнома ёки меҳнат дафтарчасидан кўчирма (сиртқи бўлимга кирувчилар учун)

Университетга ҳужжатлар ва кириш имтиҳонларини топшириш қуйидаги муддатларда ўтказилади:

Ўқиш шакли	1 Аризалар қабул қилиш	1 Кириш имтиҳонлари
Кундузги бўлимга	25 июндан 30 июлгача	1 августдан
Сиртқи бўлимга	25 июндан 5 августгача	7 августдан
Урганч филиалига кундузги бўлимга	25 июндан 30 июлгача	1 августдан

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилгоҳларига мурожаат қилиш мумкин: 700063, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси—183, Тошкент, Давлат иқтисодиёт университети, 2—бино қабул комиссияси, телефонлар: 45-45-89, 45-28-67, 45-46-66.

Университетнинг Урганч филиалида: 740010, Урганч шаҳри, Гурлан кўчаси, 2-уй, телефонлар: 3-32-94, 3-37-45.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Нашр кўрсаткичи — 64583.

Буюртма № Г—182.

№ 125.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.